



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

2014 йил "18" март

№ 156

Тошкент ш.

Урганч давлат университети  
Уставини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди саккизинчи хатбошига мувофиқ белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Урганч давлат университети Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Урганч давлат университети ректори Б.Абдуллаевга:  
Урганч давлат университети Уставини ўрнатилган тартибда Урганч шаҳар ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказиш;  
Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;  
Урганч давлат университети фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ юритилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 28 апрелдаги "Урганч давлат университети Уставини тасдиқлаш ҳақида"ги 159-сонли буйруғи бекор қилинсин.
4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари И.Маджидов зиммасига юклатилсин.

Вазир



*Handwritten signature of R. Kasimov*

Р.Касимов

**“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ”**

Урганч шаҳар ҳокимининг  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йилдаги  
№ \_\_\_\_\_ - сонли қарори билан  
Давлат рўйхатидан ўтди



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2017 йил «\_\_» мартдаги  
сон буйруғи билан тасдиқланган

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

**(Urganch davlat universiteti)**

**У С Т А В И**

Урганч 2017 йил

## I. Умумий қондалар

1.1. Урганч давлат университети (Urganch davlat universiteti) (кейинги ўринларда матнда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февраль ПФ-356-сонли фармонида асосан ташкил қилиниб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

1.2. Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

1.3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

1.4. Университет юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университет жойлашган манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти,

Урганч шаҳри, Х. Олимжон кўчаси, 14-уй

Молия вазирлиги ғазначилиги Х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХҚҚМ

МФО: 00014, ИНН: 201122919

Урганч Давлат университети Шх/р 100010860334017094100079001

ИНН: 201651846, ОКОНХ: 92110

УрДУнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлик (қиска) номи:

Урганч Давлат университети (УрДУ)

Urganch davlat universiteti (UrDU)

Ургенчский государственный университет (УрГУ)

Urgench state university (UrSU)

## II. Олий таълим муассасасининг асосий вазифалари

2.1. Университетининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш асосида бозор иқтисодиёти талабларига мос рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

-шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишини қондириш;

-ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдигаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанамиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

-илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим ва иқтисодий ислохатлар жараёнларида фойдаланиш;

-иқтисодиётнинг мувофиқ соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари илмий-педагогик кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

-жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

-аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини ошириш;

-талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва университетнинг озиқ-овқатлар захирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соғлом овқатланиши, турли маиший хизмат кўрсатилишини (саргарошхона, гўзаллик салони, пойафзал таъмирлаш ва бошқалар) ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

### **III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### *а) талабалар:*

3.1. Университет ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс университетнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтари ҳисоби берилди.

Университетга қабул қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотга эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

3.2. Университетнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

- олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид ўқув-техник воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- олий таълим муассасаси ва факультет миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда ўрнатилган тартибда фаол қатнашиш;

- олий таълим муассасасида қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш;

- ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, таъмирлаш, қурилиш, кўкаламзорлаштириш, қишлоқ хўжалик ва бошқа жамоат меҳнатларида, қонунчиликка зид бўлмаган ишларда иштирок этиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.



3.3. Давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

3.4 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

3.5 Талабалар турар жойига муҳтож талабалар университетнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида тўланадиган тўловлар ҳажми коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, университет томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, университетнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар) га рухсат этилмайди.

Университетнинг талабалари ўқишдан бўш вақтларида ўрнатилган тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

3.6. Университетдан четлаштирилган талаба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланилиши мумкин.

Илгари олий таълим муассасасидан маъмуриятнинг тапшаббуси билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Университетнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида ўқишини кўчириш (ўқишга қайта тиклаш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни университетга ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) тақиқланади.

3.7. Университет талабалари олий таълимнинг давлат стандартлари, ўқув дастурлари ва режаларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

3.8 Талаба ушбу Устав, университетнинг Ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда Талабалар турар жойлари қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда унга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги учун;
- ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

и) вафот этганлиги сабабли.

3.9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага вазирлик томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

Университет маъмурияти ташаббуси билан (“д”, “е”, “ж”) талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инobatга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Уставнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, университетнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилаётган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда университет ректори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки судга мурожаат этиши мумкин.

Талаба университетдан четлаштирилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғмажилдда сақланади.

Интизомий жазо чоралари талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабаларга касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларида интизомий жазо чораларини кўриш ман этилади.

Талабанинг касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан маълум қилинади.

б) *тингловчилар:*

3.10. Университет ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

в) *таянч докторантура ва докторантура:*

3.11. Университетнинг таянч докторанти, докторант ва мустақил изланувчилари - муайян ихтисослик бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган, фалсафа доктори (*PhD*) ёки фан доктори (*Doktor of Science*) илмий даражаларини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Таянч докторантурага, ўрнатилган талабларга мувофиқ ҳолда магистр даражаси ёки мутахассислик дастурлари бўйича олий маълумотга эга шахслар қабул қилинади.

Докторантурага, ўрнатилган талабларга мувофиқ ҳолда фан номзоди ёки фалсафа доктори (*PhD*) ёки уларга тенглаштирилган чет эл давлатларида олинган илмий даражага эга шахслар қабул қилинади.

Мустақил изланувчиликка асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда олий таълим муассасига (кафедрага) бириктирилган ва фалсафа доктори (*PhD*), фан доктори (*Doktor of Science*) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс қабул қилинади.

3.12. Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилар институтига қабул қилиш, тугатиш, шунингдек, диссертация устида ишлаётганликлари учун имтиёзлар бериш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармонига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Университетда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

3.14. Профессор-ўқитувчилар лавозимларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 20-сонли қарори билан

тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (*ЎзР ВМ 25.08.2015 й. 246-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган*) мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ, олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида тайинланади.

3.15. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда университет ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
- университетнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда вакант профессор-ўқитувчи лавозимларига эълон қилинган танловларда қатнашиш;
- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;
- назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини ва педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

3.16. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, муассаса Устави, Ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;
- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфёъл муносабатда бўлиш;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:
  - а) ўқув юктамалари ҳажмини, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий ва маънавий-маърифий ишларни тасдиқланган шахсий режаси асосида бажариш;
  - б) дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув адабиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;
  - в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;
  - д) Университет ёки факультет Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;
  - е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;



- академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар яратишда иштирок этиш;
- академик лицей ва касб-хунар коллежларида очик ва муаммоли машғулотлар ҳамда “мастер-класс”лар ўтказиш;
- ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими муассасаларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларида иштирок этиш;
- ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологиялар асосида таълим сифатини оширишга кўмаклашиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;
- муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;
- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;
- муассасанинг жамоатчилик ишларида қатнашиш;
- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;
- замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;
- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;
- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;
- ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;
- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;
- кийиниш маданиятига риоя этиш;
- республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;
- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
- дарсларни юқори савияда ўтиш;
- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;
- ҳар ўқув йили бошланишига қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаштиш;
- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;
- талабалар билимини холисона баҳолаш;
- янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;
- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
- талабалар илмий -тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини бажариш ҳамда пуллик таълим ва сервис хизматларини кўрсатиш;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш.

3.17. Университет раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2014 йил “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 299-сонли Қарорида кўзда тутилган тартиб ва ушбу қарор асосида тайёрланган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 03.11.2014 йил №1-ХФУ буйруғида белгиланган вазифаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

3.18. Университет раҳбар ходимларининг (кафедра мудири, декан, проректор) ва профессор-ўқитувчиларининг уч йилда камида бир маротаба қайта тайёрлаш ва малакасини оширилиши таъминланади.

3.19. Университет ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари университетнинг Устави, Ички тартиб ва одоб-аҳлоқ қоидалари ҳамда лавозим Йўриқномалари билан белгиланади.

#### IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

4.1. Университет белгиланган қабул квоталари асосида шакллантирилган йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади.

##### 1) Олий таълим (бакалаврият ва магистратура):

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалаврият) ўқув шакли куйидаги йўналишлар:

№	Шифри коди	Йўналишлар номи
1	5120114	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили
2	5120113	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили
3	5120112	Филология ва тилларни ўқитиш:инглиз тили
4	5111306	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда)
5	5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили
6	5110900	Педагогика ва психология
7	5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иши
8	5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)
9	5112100	Меҳнат таълим
10	5111800	Мактабгача таълим
11	5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
12	5111100	Муסיқий таълим
13	5111600	Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
14	5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича )
15	5112000	Жисмоний маданият
16	5610535	Спорт фаолияти (хотин-қизлар спорти)
17	5340300	Шаҳар қурилиши ва хўжалиги
18	5340100	Архитектура
19	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
20	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси
21	5321000	Озиқ- овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
22	5341000	Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш
23	5310500	Автомобилсозлик ва тракторсозлик
24	5310600	Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)
25	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
26	5111008	Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит)
27	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
28	5610300	Туризм (фаолият турлари бўйича)
29	5610200	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
30	5140100	Биология
31	5140600	География
33	5140500	Кимё
33	5111005	Касб таълими (агрономия)
34	5141000	Тупроқшунослик
35	5311500	Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар буйича)



36	5630100	Экология ва атроф-мухит муҳофазаси
37	5130100	Математика
38	5130200	Амалий математика ва информатика
39	5111018	Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари)
40	5140200	Физика
41	5140300	Механика

б) Магистратура:

№	Шифри коди	Мутахассисликлар номи
1	5A 120102	Лингвистика (ўзбек тили)
2	5A 120102	Лингвистика (рус тили)
3	5A 120102	Лингвистика (инглиз тили)
4	5A 140101	Биология (фан йўналиши)
5	5A 130101	Математика (йўналишлар бўйича)
6	5A 110901	Педагогика назарияси ва тарихи
7	5A 112001	Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
8	5A 230102	Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)
9	5A 120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
10	5A 321001	Озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш (маҳсулот тури бўйича)
11	5A 320404	Силикат ва кийин эрийдиган материаллар технологияси
12	5A 140501	Кимё (фан йўналиши бўйича)
13	5A 610301	Туризм (фаолият турлари бўйича)
14	5A130103	Дифференциал тенглама ва математик физика
15	5A111101	Муסיкий таълим

Университетда кадрлар истеъмолчилари талаблари асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан янги йўналиш ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланишини ташкил этиш мумкин.

4.2. Университетда олий таълимнинг асосий таълим дастурлари икки босқичда амалга оширилади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат - ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - бакалавриат негизида ўқиш муддати камида 2 йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлари бўйича муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

4.3. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, университет ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календар ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш асосида ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитлар яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари билан таъминланади.

4.4. Университетда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, яқка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув-малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 дақиқалик танаффуссиз қўшма дарс соати (80 дақиқа) белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади.

4.5. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

4.6. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан-курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан, ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган "Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида"ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

4.7. Университетда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситалари, модуль тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

**олий таълимдан кейинги таълим институти** - мутахассисликни чуқур ўрганиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (*PhD*) ва фан доктори (*Doktor of Science*) илмий даражалари изланувчилари учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ихтисосликлар бўйича ташкил этилади.

4.8. Университетнинг олий таълимдан кейинги таълим тизимида "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқиладиган олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари мажбурий ҳисобланади.

Университетда қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади:

**олий ўқув юртидан кейинги таълим:**

- а) таянч докторантура
- б) докторантура

№	Шифри коди	Ихтисосликлар номи
1.	01.01.01.	Математик таҳлил
2.	01.01.02.	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
3.	01.02.05.	Суyoқлик ва газ механикаси
4.	01.04.02.	Назарий физика
5.	01.04.10.	Яримўтказгичлар физикаси
6.	02.00.13.	Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
7.	02.00.15.	Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси
8.	05.09.05.	Қурилиш материаллари ва буюмлари
9.	06.01.08.	Ўсимликшунослик
10.	06.01.09.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш
11.	07.00.01.	Ўзбекистон тарихи
12.	07.00.06.	Этнография, этнология ва антропология
13.	08.00.05.	Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
14.	08.00.08.	Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
15.	08.00.12.	Минтақавий иқтисодиёт
16.	09.00.04.	Ижтимоий фалсафа
17.	10.00.01.	Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти
18.	10.00.06.	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик
19.	11.00.02.	Иқтисодий ва ижтимоий география
20.	13.00.02.	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)
21.	13.00.01.	Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармониға мувофиқ амалға оширилади.

4.9. Талабалар ва докторантлар илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни университет Кенгашининг мавзули режалар бўйича бажариладиган ишлар сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда олиб борадилар.

Илмий-тадқиқотлар куйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари.

4.10. Университет Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сон қарори асосида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалға оширади.

## V. Олий таълим муассасасининг таркиби

5.1. Университетининг таркибига куйидагилар киради:

### а) факультетлар:

1. Физика - математика
2. Табиий фанлар
3. Филология
4. Тарих
5. Педагогика
6. Туризм ва иқтисодиёт

7. Техника
8. Кимёвий технологиялар
9. Жисмоний маданият

**б) кафедралар:**

1. Физика
2. Математика
3. Амалий математика
4. Ахборот технологиялари
5. Биология
6. Кимё
7. Тупроқшунослик
8. Геодезия, картография, география
9. Инглиз тили ва адабиёти
10. Немис ва француз тиллари
11. Ўзбек тили ва адабиёти
12. Ўзбек тилшунослиги
13. Рус тили ва адабиёти
14. Факультетлараро чет тиллари
15. Тарих
16. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим
17. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси
18. Педагогика ва психология
19. Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси
20. Меҳнат таълими
21. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
22. Мусиқий таълим
23. Туризм
24. Иқтисодиёт
25. Касб таълими
26. Транспорт тизимлари
27. Қурилиш ва архитектура
28. Факультетлараро умумтехника фанлари
29. Кимёвий технологиялар
30. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат технологияси
31. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси
32. Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт

**в) илмий лабораториялар:**

1. Хоразм тарихини ўрганиш лабораторияси
2. Психологик таълим маркази
3. Таълим хизматлари маркази
5. Дастурлаш ва компьютер технологиялари маркази
6. ГИС лаборатория

**г) бўлинмалар:**

1. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим маркази
2. Ноширлик бўлими
3. Босмахона
4. Таълим хизматлари маркази
5. Ўқув-тажриба хўжалиги
6. “Қовунчилик” бўлими

5.1. “Қовунчилик” бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги “Хоразм вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури



тўғрисидаги” 16-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплекси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № 33-сон мажлиси баён қарори асосида ташкил қилинган.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ «Қовунчилик» бўлимининг ҳуқуқий мақоми, ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятларини, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, «Қовунчилик» бўлими ва Урганч давлат университети ўртасидаги мулкрий муносабатларни белгилайди.

5.3. «Қовунчилик» бўлимининг манзили: Хоразм вилояти, Урганч тумани, Юқори Дўрмон қишлоғи бўлиб, бўлимининг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

5.4. «Қовунчилик» бўлимининг Низоми мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплекси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № 33 сон мажлиси баёни асосида Урганч давлат университетининг 2017 йил 13 мартдаги № 8 Кенгаш қарорига биноан тасдиқланган.

#### **д) академик лицейлар:**

1. Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей
2. Урганч давлат университети қошидаги 3-академик лицей
3. Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицей

Урганч Давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей 2004 йилда ишга туширилган.

Қуввати: 1200 ўқувчи ўрни.

академик лицейда қуйидаги таълим йўналишлари мавжуд:

- аниқ фанлар йўналиши;
- табiiй фанлар йўналиши;
- хорижий фанлар йўналиши;
- ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши.

Урганч Давлат университети қошидаги 3-сон академик лицей 2009 йилда ишга туширилган.

Қуввати: 795 ўқувчи ўрни.

академик лицейда қуйидаги таълим йўналишлари мавжуд:

- аниқ фанлар йўналиши;
- табiiй фанлар йўналиши;
- хорижий фанлар йўналиши;
- ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши.

Урганч Давлат университети қошидаги 4-академик лицей 2008 йилда ишга туширилган.

Қуввати: 810 ўқувчи ўрни.

академик лицейда қуйидаги таълим йўналишлари мавжуд:

- аниқ фанлар йўналиши;
- табiiй фанлар йўналиши;
- хорижий фанлар йўналиши;
- ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши.

## **VI. Олий таълим муассасасини бошқариш**

6.1. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.



6.2. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1992 йил 9 март 137-ф фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор олий таълим муассасаси фаолиятига, шунингдек, университетнинг Устави, Ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла маъсулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор университет ваколати доирасида:

- университетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

- университет проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

- университет ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

- университет таркибига кирган илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- университет ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

- касаба уюшма қўмитаси ёки университетининг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди;

- университетда намунавий штат бирликларига мувофиқ, ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган олий таълим муассасаси ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби ва олий таълим муассасаси ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

- университет Кенгашининг тавсиясига кўра, ўрнатилган тартибда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда университет Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Университет ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

6.3. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Ректор Кенгаш раиси ҳисобланади. Проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда кафедралар мудирлари, бўлим бошлиқлари шунингдек, талабалар ва университет ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари Кенгаш таркибига кирадилар. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

6.4. Университетда Васийлар кенгаши - университетни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

6.5. Университетда касаба уюшмаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг олий таълим муассасасида сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан Урганч Давлат университети маъмуриятининг мажбуриятлари қуйидагилардир:

ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, уларнинг розилигини олиш;

ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;

ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;

ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат, университет фаолияти масалаларига ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир ахборотни текин бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиб бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Амалдаги низомларга мувофиқ университетда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида университет жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва уларни ҳисобга олади.

6.6. Университет факультетини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га амал қилади.

“Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га мувофиқ факультетда Кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

## **VII. Молия-ҳўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси**

7.1. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида, оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкӣ мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-усқуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Университет фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

Университетга ажратилган ер участкалари олий таълим муассасасига муддатсиз, текин фойдаланиш учун бириктирилган.

7.2. Университетга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳада ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкӣ объектларга, университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек, ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулкӣ объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

7.3. Университет мол-мулкни ижарага олувчи ва ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ижара тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ, олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

7.4. Университетнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ва тадбиркорлик тушумлари ҳисобидан амалга оширилади.

7.5. Университетнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ҳамда бошқа соҳаларда пуллик таълим ва сервис хизматларини амалга ошириши мумкин. Университет шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

7.6. Университетда лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-926-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 164-сон қарори ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Университет ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, моддий рағбатлантириш фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган меҳнат ҳақи махсус ишчи гуруҳ хулосасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқиши мумкин.

7.7. Университетда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.



Университет қошидаги тиббий-санитар муассасасига, шунингдек, унинг худудида жойлашган ёки олий таълим муассасасининг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Университетнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Университет ўз ҳисоб рақамидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда, Кенгаш розилиги билан банк муассасаларида депозитга қўйиб даромад олиши мумкин. Олинган даромадлар таълим жараёнини таъминлаш, ривожлантириш, моддий-техника базасини мустахкамлаш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланади.

Университетнинг ўқув-тажриба хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини, маҳсулотларни етиштириш ва сотиш фаолиятини амалга оширади.

### **VIII. Халқаро ҳамкорлик**

8.1. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлири билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлири ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек, университетнинг қонунчиликка мувофиқ, чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

8.2. Университет куйидаги ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;
- хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, технопарклар ва бошқа бўлинмалар) ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

8.3. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

8.4. Университетнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

### **IX. Яқуний қоидалар**

9.1. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида университетда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;

- таълим оловчилар ва университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

9.2. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.


9.3. Университетнинг Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

9.4. Ушбу Устав университет Кенгашининг 2017 йил 13 мартдаги № 8-сонли мажлис баёни Қарори билан маъқулланган.




«Согласовано»  
Министерством высшего и среднего специального образования  
«12» август 2017 г.  
*(подпись)*

Решением Совета вуза от «13» марта 2017 г. Протокол №27  
Ректор *(подпись)* Б.Абдуллаев



# Организационная структура Ургенчского государственного университета



Общая численность (без учёта ППС)-506,7 ед.,  
в том числе УП-40 ед.